



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O‘RTA MAXSUS TA‘LIM VAZIRLIGI**

**ALISHER NAVOIY NOMIDAGI
TOSHKENT DAVLAT
O‘ZBEK TILI VA ADABIYOTI UNIVERSITETI**

**“O‘ZBEK TILINING MILLIY KORPUSI:
MUAMMO VA VAZIFALAR”**

**mavzusidagi
xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya
materiallari
(2022-yil 31-may)**



бошланиш	<i>Бирдан, кўққисдан, кутилмаганда</i>	<i>at once, unexpectedly, all of sudden, at first</i>
давомийлик	<i>тинимсиз, анча вақт, анча, тўхтовсиз</i>	<i>endlessly, continuously, on and on</i>
тугалланганлик	<i>батамом, буткул, тамомила, мутлақо</i>	<i>entirely, fully, fluently</i>
Онийлик	<i>бир насада, кўз очиб юмгунча, ими-жимиди</i>	<i>in a blink of eye, within a second</i>
узлуксизлик	<i>тўхтовсиз, узлуксиз, кечаю-кундуз</i>	<i>durative, forever, for ages</i>
такрорийлик	<i>ўқдин-ўқдин, онда- сонда, кунора</i>	<i>once in a while, from time to time, occasionally</i>
жадаллик	<i>шитоб билан, тезда, апил-тапил</i>	<i>fiercely, speedily, powerfully, intensively</i>
охисталик	<i>секин-аста, имиллаб, босқичма-босқич</i>	<i>slowly, step by step, in a tiny move</i>
ЭХТИМОЛЛИЛИК	<i>балки, эҳтимол, мумкин</i>	<i>perhaps, in a shadow of a doubt</i>
синаш	<i>синчиклаб, бир-бир, доналаб</i>	<i>carefully, one by one, thoroughly</i>
кодирлик	<i>бемалол, кўрқмасдан, ишонч билан</i>	<i>easily, without any doubt, without hesitation, skillfully</i>
НИХОЯВИЙЛИК	<i>сўнг, ваниҳоят, алалоқибат</i>	<i>at least, finally, at the end</i>

Англашилганидек, “аспектуаллик” функционал-семантик майдони ядроси ва марказий қисми турли қурилишли тилларда шаклий фарқларга эга. Парадигманинг узоқ ва яқин периферияси эса бир хил элементлардан ташкил топган.

Майдон элементларини сатҳлараро бирлаштириб турган маънодир, зеро бирликлар маъно воситасида нутқдан ташқари ҳолда ўзаро муносабатга киришади. “Аспектуаллик” функционал-семантик майдонидаги элементлар ўзаро уч асосий маъно муносабатларига киришади – маънодошлик, маъно даражаланиши ва зид маънолилик. Шунингдек, майдон элементларининг аксариятида полисемик хусусиятлар кузатилади.

АДАБИЁТЛАР

1. Allan K. Natural Language Semantics. – Oxford: Blackwell Publishers, 2006. – 154 p.



ЛЕКСИКОГРАФИК МАҲСУЛОТЛАР ВА УЛАРДАН ТИЛ КОРПУСИДА МАЪЛУМОТЛАР БАЗАСИ СИФАТИДА Фойдаланиш

LEXICOGRAPHIC PRODUCTS AND THEIR USAGE IN THE LANGUAGE CORPUS AS A DATABASE

Исломов Икром Хушбоқович *

Annotation. The article discusses the lexicographic products related to geographical terms in the Uzbek language and their role as an important material for the semantic tagging of geographical terms. Also, taking into account the general nature of each lexicographic source and the interpretation of the geographical term reflected in it, the principles of forming a database of geographical terms for the national corpus of the Uzbek language are recommended.

Keywords: lexicographic product, geographical term, semantic tag, dictionary, dictionary article, toponym, national corpus of Uzbek language, terminological database.

Кириш

Ўзбек тили географик терминларига алоқадор топонимик табиатли тадқиқотлар, луғатлар, лексикографик манбалар мавжуд. Бу манба ва материаллардан ўзбек тили географик терминларини семантик теглашда фойдаланиш мумкин. Бундай тадқиқотлар сирасига Нурота тумани макро- ва микротопонимиясининг лисоний таҳлили [Орипов, 2003: 22], Шахрисабз худуди жой номларининг тарихий-қиёсий таҳлили [Эназаров, 1993: 21], Бойсун ноҳияси ва унинг атроф худудлари микротопонимлари [Холмўминов, 1993: 128], Жанубий Ўзбекистон рельефларини ифодаловчи ўзбек халқ атамалари ҳақидаги [Хуррамов, 1980: 164], Бухоро тумани микротопонимларининг лексик-семантик тадқиқига бағишланган [Адилова, 2021: 48] ишларни санаш мумкин.

Ўзбек тилида географик терминлари бўйича қатор луғатлар яратилган. “Жуғрофия атамалари ва тушунчалари изоҳли луғати” [Фуломов, 1994: 150], “Ўзбекистон топонимларининг изоҳли луғати” [Нафасов, 1988: 288], “Географик терминлар ва тушунчалар изоҳли луғати” [Қораев, 1979: 156], “Словарь народных географических терминов” луғати [Мурзаев, 1984: 653], “Жуғрофий атамалар луғати” [Мирортиқ Мирабдулла ўғли, 1992: 56] шулар жумласидан.

* Филология фанлари доктори, Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети,
ikrom75islom@gmail.com



П.Ғуломовнинг “Географиядан қисқача русча-ўзбекча терминлар ва тушунчалар луғати”[Ғуломов, 1983: 80] ҳам ўзбек тили миллий корпусининг географик терминлар сирасини тўлдиришда лексикографик таъминот вазифасини бажаради. Ушбу манбадан лингвистик таъминот сифатида фойдаланишга асос бўлувчи омил сифатида шуни кўрсатиш мумкин. Ушбу луғат таржима луғат саналиб, йўналиши русча → ўзбекча. Маълумки, географик терминлар ҳам байналмилаллик хусусиятига эга. Бу луғатда рус тилидаги терминлар ўзбек тилига бирикма шаклида таржима қилинган ҳолатлари кўп бўлиб, табиийки, ўзбек тилининг изоҳли луғатида сўз бирикма шаклидаги бу бирикмалардан айримлари ифодаланмай қолган.

Географиядан қисқача русча-ўзбекча луғат[Ғуломов, 1983: 80]га ҳозирги вақтда энг кўп қўлланилаётган термин ва тушунчалар киритилган. Русча термин ҳамда тушунчаларнинг ўзбекча муқобилини топиш ҳамда танлашда қуйидаги манбалардан фойдаланилган:

1. Шу вақтгача нашр этилган луғатлар.
2. Русча-ўзбекча луғатлар.
3. Нашр этилган география дарсликлари.
4. Муаллиф илмий саёҳатларида тўплаган маҳаллий терминлар.
5. Вақтли матбуот маълумотлари.
6. Айрим терминлар бевосита таржима қилиб олинган.

Луғатда баъзи терминлар фақат бир вариантда берилмай, уларнинг бир неча варианты келтирилган, айрим термин ва тушунчаларга қисқа изоҳлар ҳам берилган. Луғат 2000 термин (сўз ва бирикма)ни қамраб олган. Юқоридаги фикримизни далиллаш учун айрим мисолларни жадвал шаклида келтирамиз. (1-жадвалга қаранг)

1-жадвал

Абразия	қирғоқ емирилиши
Аномалия	нормал ҳолатдан оғиш
Балка	ясси жар
Биота	жониворлар туркуми
Ванна	берк ботиқ
Вертикал	туш чизиғи текислиги
Автоном	Мухтор
Амплитуда	тафовут, фарқ
гидрометрия	гидрометрия, қуруқлик гидрологияси тармоғи
гидрология	гидрология, сув ҳақидаги фан

Жадвалдаги сўз ва унинг таржимаси/изоҳидан кўриниб турибдики, терминларнинг айримлари бир сўз билан, баъзилари кўшма сўз ва сўз



бирикмаси билан, баъзи бирлари фақат бирикма билан ифодаланган. Луғатда мавжуд *хайвонот географияси, маданият географияси, саноат географияси, динлар географияси, табиий бойликлар географияси, шаҳарлар географияси, истеъмол географияси, алоқалар географияси, хизмат кўрсатиши географияси, транспорт географияси, меҳнат ресурслари географияси* каби терминлар бирикма шаклидаги терминлар бўлиб, улар, табиийки, ўзбек тилининг изоҳли луғатида алоҳида кўрсатилмаган. Булардан айримларини луғат мақоласи таркибида лексеманинг боғланувчилари сифатида кўришимиз мумкин. Шу сабабли бу луғат таркибида мавжуд бўлиб, ўзбек тилининг изоҳли луғатига киритилмаган сўз/бирикмаларни маълумотлар базасига киритиш, уларни географик термин сифатида теглаш лозим. Маълумотлар базаси қанча катта бўлса, миллий корпусда бирликлар қидируви натижаси шунча кўп бўлади. Ушбу луғат ичидан 345 та шундай бирлик ажратиб олиниб, терминологик ахборотлар базасига киритилди.

Ўзбек тили миллий корпусининг лингвистик таъминоти бўла оладиган лексикографик маҳсулотлардан яна бири З.Дўсимов, Х.Эгамов ҳаммуаллифлигидаги “Жой номларининг қисқача изоҳли луғати” [Дўсимов, Эгамов, 1977: 176] дир. Луғат сўзбошисида географик номларнинг келиб чиқиши ҳақида муаллифлар шундай ёзишади: “Ҳар бир жойнинг ўз тарихи бор. Улар халқ ҳаётининг турли томонларини ўзларида акс эттирадилар. Номлар кўпинча шу территорияда яшаган халқ ҳаёти, шарт-шароити билан боғлиқ ҳолда содир бўлади... Ёки Ўзбекистоннинг деярли барча областларида учрайдиган Дўрмон номини олайлик. Бу топоним ҳам ўзбек халқининг бир уруғи номи билан боғлиқ бўлиб, мўғулча “тўрт” демакдир. Қадимда шу уруғ қабилаларининг кўчиб юриши натижасида уларнинг номи билан аталадиган жойлар вужудга келган. Номларнинг аксарияти мазкур жойнинг географик тузилиши билан боғлиқ ҳолда вужудга келади. Масалан, Шаҳрисабз “кўк шаҳар”, “яшил шаҳар”, “боғи кўп шаҳар” деган маънони берса, Сибирь топоними “ботқоқлик”, “зах жой” демакдир. Кўпинча номлар шу жойда яшайдиган халқнинг касби, машғулоти, хунари қабиларни ҳам маълум даражада акс эттиради. Шунинг учун кўп шаҳарларда Дўппичи, Темирчи, Заргарлар, Дарбозлар каби ўнлаб маҳалла номлари учрайди. Бинобарин шундай экан, географик номлар “ўлик” сўзлар эмас, балки замирида халқ ҳаёти, тарихи, тили ва шунга ўхшаш бошқа кўплаб сирларни асраётган хазинадир” [Дўсимов, Эгамов, 1977: 4].

Бу луғатнинг лингводидактик аҳамияти хусусида муаллифлар шундай ёзишади: “Номларнинг асл мазмунини билиш, уларнинг келиб чиқиши, тузилишини ўрганиш мактабда ўқув ва ўқитиш процессида ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ўқувчилар ўқиш процессида кўпгина географик номларга дуч келдилар. География, она тили, адабиёт дарсларида номларнинг маълум



объект билан боғлиқлиги ҳамда уларнинг ёзилиши ҳақида дастлаб тушунчага эга бўладилар. Жой номлари этимология ва сўз ясалиши ҳақида бой маълумотларни ўзида мужассамлаштиради. Шунинг учун ўқувчиларга чуқур билим беришда топонимларнинг роли катта. Дарс жараёнида географик карталардаги номлар, тарихий воқеалар билан боғлиқ номлар ёки маҳаллий географик номларнинг этимологияси билан таништириб бориш ўқувчиларда, биринчидан, географик ном ёки терминнинг эса қолишида ёрдам берса, иккинчидан, сўз ясалиши ҳақида маълумот бера олади” [Дўсимов, Эгамов, 1977: 5].

Аммо бу луғатни ҳам тўғридан-тўғри маълумотлар омборига экспорт қилиш тўғри эмас. Луғатда, муаллифлар ўзлари таъкидлаганидек, Ўзбекистон худудидан ташқарида бўлган жой номлари ҳам мавжуд. Шунинг учун луғатдан фақат Ўзбекистон худудидаги жой номларини алоҳида саралаб, изоҳлаш керак.

Алан қалъа – қўрғон. Қозоғистон ССР, Манғишлоқ ярим оролида. Топоним ҳозирги осетин халқининг аجدодлари бўлган алан қабиласининг номи билан боғлиқ... Алан сўзи билан боғлиқ топонимлар Бухоро, Хоразм областларида, шунингдек, Туркменистон ССРнинг Тошовуз областида ҳам учрайди. Аммо ушбу топонимларнинг ҳаммасини алан этноними билан боғлиқ, деб бўлмайди. Чунки М.Қошғарийнинг ёзишича, қадимги туркий тилларда алан сўзи бўлган ва у яланг, текис маъноларини берган. [Дўсимов, Эгамов, 1977: 12]

Луғат мақоласидан кўришиб турибдики, матнни шу ҳолида маълумотлар омборига киритиб бўлмайди: матн жиддий таҳрирни талаб этади. Зеро, айрим историзм ва архаизмлар учрайдики, бу матнни ҳозирги ўзбек тили адабий меъёрида қайта таҳрирлашга зарурат борлигини билдиради. Маълумотлар омборида бундай бирликлар – топонимлар алоҳида белги, яъни топоним теги билан ажратилади.

Н.Охуновнинг “Жой номлари таъбири” луғати[Охунов, 1994: 80] ҳам ўзбек тили миллий корпусининг географик терминлар базаси топоним сўзлар сирасини тўлдиришда лексикографик таъминот бўла олади. Муаллиф луғат сўзбошисида унда келтирилган бирликларга умумий ҳолатда қуйидагича таъриф беради: “Жой номлари кўп ва хилма-хил. Жой номларига аҳолининг яшаш масканлари, сувликлар, ер юзалари номлари киради. Ўрмон, тўқай, сахро, яйлов, йўл, дала, дашт номлари ҳам жой номлари ҳисобланади. Аҳоли яшайдиган жойларнинг номлари фанда ойконимлар, сувликлар номи гидронимлар, ер юзаларининг номи оронимлар, ер, дала номлари агронимлар, йўл, сўкмоқ номи драмонимлар номи билан юритилади” [Охунов, 1994: 3]. Бу таърифдан маълум бўладики, ушбу луғатдаги сўзларга топонимнинг қайси тури эканлиги ҳақида алоҳида маълумот келтирилган.



Шу сабабли маълумотлар базасига яна бир тег қўшилади ҳамда маълумотлар базасининг кўриниши қуйидагича бўлади: (4.3-жадвалга қаранг)

4.3-жадвал

	Сўз	Махсус помета	Семантик гуруҳ	Семантик тўда	Изоҳ
	Авшар	ойконим	Жой номи	қишлоқ	Хоразм вилоятининг Ҳазорасп ва Боғот районларидаги қишлоқлар номи. М.Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” асарида бу сўз афшар шаклида учрайди ва у ўғуз қабилаларидан бирининг номи сифатида тилга олинади.
	Бойтакўприк	ойконим	Жой номи	маҳалла	Кўкон шаҳридаги маҳалла. Асли Бойбўтакўприк бўлган. Кўприкни қурдирган Бойбўта исмли шахс номи билан аталган.
	Дашт	ороним	Жой номи	Маҳалла/ қишлоқ	Экин экилмай ётган, сувсиз, тош-шағалли ер, дала. Шундай жойларда ташкил топган аҳоли турар жойларидан баъзилари-нинг номланишига ушбу сўз асос бўлиб хизмат қилган. Даштқишлоқ, Даштмаҳалла, Дашткўрғонча, Даштак...

Ўзбек тили миллий ва таълимий корпусининг лингвистик таъминоти сифатида Т.Нафасов, В.Нафасовлар томонидан тузилган “Ўзбек тили топонимларининг ўқув изоҳли луғати”[Нафасов, Нафасова, 2007: 88]ни ҳам танлаш лозим.

Ўзбек корпус лингвистикаси доирасидаги айрим тадқиқотларда сўз маъноси, яъни семантик теглаш билан боғлиқ масалаларга йўл-йўлакай фикр билдирилган бўлса, баъзи тадқиқотларнинг махсус шу масалага бағишланганлигини кузатишимиз мумкин. Тадқиқотчи Ш.Ҳамроева “Ўзбек тили муаллифлик корпусини тузишнинг лингвистик асослари” номли диссертациясида[Ҳамроева, 2018: 168] семантик теглаш ҳақида умумий маълумот берган бўлса, Д.Ахмедова тадқиқотида ўзбек тили атов бирликларини семантик теглаш масаласи[Ахмедова, 2020: 146] махсус тадқиқ қилинган, ўзбек тили атов бирликларининг маълумотлар базасини ишлаб чиқишнинг айрим муаммолари ҳам ўрганилган. Масалан, А.Эшмўминов ўзбек тили миллий корпусининг синонимлар базасини ишлаб чиқиш масаласини ечишга ҳаракат қилган бўлса[Эшмўминов, 2019: 140], Г.Бегматова ўзбек тили идиомаларининг миллий корпусда берилиши ҳамда



унинг маълумотлар базасини ишлаб чиқиш муаммосини [Бегматова, 2021: 142] тадқиқ этган.

Тадқиқотларга кўра, терминологик семантик маълумотлар базасини яратишда сўзлик, семантик изоҳ ва семантик теглар талаб этилади. Ўзбек тили географик терминлари маълумотлар базасининг сўзлигига ўзбек тилининг изоҳли луғати [Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 2006-2008], русча-ўзбекча географик терминлар луғати [G‘ulomov, 2013: 80], энциклопедиялардан сўзлар танланган.

Бу атамаларга изоҳларни беришда бир манбадан маълумот олиш ҳамда бир-бирини тўлдирувчи маълумотлар киритиш тамойилига амал қилиш ўзининг ижобий самарсини беради.

Миллий корпус учун географик терминларнинг “Географик терминлар” базаси яратилиб, уларга семантик теглар бириктирилади. Шу параметрлар асосида миллий корпус семантик қидируви учун қидирув белгилари аниқланади. Бу эса миллий корпусда терминологик бирликларнинг жойлаштирилиши, уларни қайта ишлаш, қидирув имкониятлари ва материалларнинг бой тарздаги таъминоти учун хизмат қиладиган асосий омиллардан саналади.

Адабиётлар:

1. G‘ulomov P.N. Geografiyadan qisqacha ruscha-o‘zbekcha terminlar va tushunchalar lug‘ati. – Toshkent: “O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi” Davlat ilmiy nashriyoti, 2013. – 80 b.
2. Nafasov T., Nafasova V. O‘zbek tili toponimlarining o‘quv izohli lug‘ati. (Maktab o‘quvchilari, kollej va litsey talabalari uchun). – Toshkent: Yangi asr avlodi, 2007. – 88 b.
3. Адизова Н. Бухоро тумани микротопонимларининг лексик-семантик тадқиқи: Филол. фан. бўйича фалс. докт. (PhD) ... дисс. автореф. – Бухоро, 2021. – 48 б.
4. Ахмедова Д. Атов бирликларини ўзбек тили корпуслари учун лексик-семантик теглашнинг лингвистик асос ва моделлари: Филол. фан. бўйича фалс. докт. (PhD) ... дисс. – Бухоро, 2020. – 146 б.
5. Бегматова Г. Ўзбек миллий корпусида идиомалар базасини яратиш: Филол. фан. бўйича фалс. докт. (PhD) ... дисс. – Термиз, 2021. – 142 б.
6. Гуломов П. Жуғрофия атамалари ва тушунчалари изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1994. – Б. 91.
7. Дўсимов З., Эгамов Х. Жой номларининг қисқача изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1977. – 176 б.



8. Мирортиқ Мирабдулла ўғли. Жуғрофий атамалар луғати. – Тошкент: Фан, 1992. – 56 б.
9. Мурзаев Э. Словарь народных географических терминов. – М.: Наука, 1984. – 653 с.
10. Нафасов Т. Жанубий Ўзбекистон топонимиясининг этнолингвистик анализи. – Тошкент, 1985.
11. Нафасов Т. Ўзбекистон топонимларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1988. – 288 б.
12. Орипов Ў.А. Нурота тумани макро- ва микротопонимиясининг лисоний таҳлили: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2003. – 22 б.
13. Охунов Н. Жой номлари таъбири. – Тошкент: Ўзбекистон, 1994. – 88 б. – Б. 3.
14. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006-2008.
15. Хамроева Ш. Ўзбек тили муаллифлик корпусини тузишнинг лингвистик асослари: Филол. фан. бўйича фалс. докт. (PhD) дисс. – Қарши, 2018. – 168 б.
16. Холмўминов Х. Бойсун ноҳияси ва унинг атроф худудлари микротопонимлари: Филол. фан. номз. дисс. – Тошкент, 1993. – 128 б.
17. Хуррамов К. Узбекские народные термины, обозначающие рельеф южного Узбекистана: Дисс. канд. филол. наук. – Ташкент, 1980.
18. Эназаров Т. Шаҳрисабз худуди жой номларининг тарихий-қиёсий таҳлили: Филол. фан. номз. дисс. автореф. – Тошкент, 1993.
19. Эшмўминов А.А. Ўзбек тили миллий корпусининг синоним сўзлар базаси: Филол. фан. бўйича фалс. докт. (PhD) дисс. – Қарши, 2019. – 140 б.
20. Қораев С.Қ. ва бошқ. Географик терминлар ва тушунчалар изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1979. – 156 б.



MUNDARIJA

TABRIK SO‘ZI

SIROJIDDINOV Shuhrat Samariddinovich – KOMPYUTER LINGVISTIKASI RIVOJI – MILLIY YUKSALISH MEZONI	4
KARIMOV Suyun Amirovich – O‘ZBEK KORPUS LINGVISTIKASINING BUGUNG TENDENSIYALARI	6

YALPI YIG‘ILISH MA‘RUZALARI

Eshref ADALI - MAKINE ÇEVİRMESİ İÇİN PARALLEL CORPUS	8
Мўратбек Бағила Қўрманбекқызы, Әмірғали Жанар Орынбасарқызы - ҚАЗІРГІ ТҮРІК ТІЛІ МЕН ҚАЗАҚ ТІЛІНЕ ОРТАҚ СӨЗДЕРДІҢ ЛЕКСИКА-СЕМАНТИКАЛЫҚ ЖҮЙЕСІ	27
РАУПОВА Лайло Раҳимовна - “ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ТАЪЛИМИЙ КОРПУСИНИ ЯРАТИШ” ЗАРУРАТИ ВА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ВАЗИФАЛАР	35
Mengliyev Vaxtiyor Rajabovich - ЎЗБЕК ТИЛИНИ МАТЕМАТИК МОДЕЛЛАШТИРИШ ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИНИНГ КЕЧИКТИРИБ БЎЛМАЙДИГАН ДОЛЗАРБ МАСАЛАСИДИР	40
Elov Botir Boltayevich - ТАБИЎ ТИЛНИ ҚАҲТА ИШЛАШ (NLP)ДА SPACY MODULIDAN FOYDALANISH	47
ШАХОБИТДИНОВА Шоҳида Ҳашимовна, ҲАМРОЕВА Шаҳло Мирджоновна - ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ МОРФОЛОГИК АНАЛИЗАТОРИ КОРПУС ВОСИТАСИ СИФАТИДА	67
1-sho‘ba. O‘ZBEK TILINING MILLIY KORPUSI: NATIJALAR, MUAMMOLAR, VAZIFALAR.	72



МЕНГЛИЕВ Бахтиёр Ражабович, ХАМРОЕВА Шахло Миржоновна, ГУЛЯМОВА Шахноза Кахрамоновна - ПОЛИФУНКЦИОНАЛ СЎЗЛАР ВА УЛАРНИНГ СЕМАНТИК АНАЛИЗАТОРИ ХУСУСИДА	
МЕНГЛИЕВА Мунира Бахтиёр кизи - ТУРЛИ ҚУРИЛИШЛИ ТИЛЛАРДА АСПЕКТУАЛЛИК ФУНКЦИОНАЛ-СЕМАНТИК МАЙДОНЛАРИНИНГ ТАРКИБИ	90
МЕНГЛИЕВА Мунира Бахтиёр кизи - ТУРЛИ ҚУРИЛИШЛИ ТИЛЛАРДА АСПЕКТУАЛЛИК ФУНКЦИОНАЛ-СЕМАНТИК МАЙДОНЛАРИНИНГ МАЪНО КЎЛАМИ	93
ИСЛОМОВ Икром Хушбоқович - ЛЕКСИКОГРАФИК МАҲСУЛОТЛАР ВА УЛАРДАН ТИЛ КОРПУСИДА МАЪЛУМОТЛАР БАЗАСИ СИФАТИДА ФОЙДАЛАНИШ	97
2-sho‘ba. O‘ZBEK TILINING MILLIY KORPUSINI YARATISH MASALALARI	
НИГМАТОВА Лолахон Хамидовна - ПАРАЛЛЕЛЬНЫЕ КОРПУСЫ, КАК ЭФФЕКТИВНЫЙ МЕТОД ОБУЧЕНИЯ ИНОСТРАННОГО ЯЗЫКА	104
SALIMGEREY Zamira - COMPUTATIONAL LINGUISTICS AND ITS APPLICATIONS	110
BERDIYEVA Habiba Abdumannon qizi - O‘ZBEK TILI BIRLIKLARI STEMMAZATSIYASINING AYRIM MUAMMOLARI	115
NIZOMOVA Zuhra Komil qizi - THE IMPORTANCE OF THE THESAURUS OF CHEMICAL TERMS	119
O‘ROZOV Jumanazar Norqizilovich - LINGVOKRIMINALISTIKA FAN SIFATIDA SHAKLLANISHI VA TARAQQIYOTI	125
